(1819 - Бухоро - 1885)
(1860-йил 23-сентабр- 1885-йил 12-декабр)

Мангитлар сулоласидан бўлган Бухоро амири.Отаси Насруллохон даврида Карманага хокимлик килган. Амир Насрулло вафотидан сўнг, Бухоро тахтига ўтирган. Отаси томонидан Карманага сургун килинган кишиларни Бухорога кайтариб, юкори лавозимларга тайинлаган. Марказий хокимиятга бўйсунишни истамаётган Хисор, Шахрисабз, Дарбоз, Кўлоб, Балжувон бекликлари ва Кўкон устига юриш килиб, уларнинг каршилигини енгди (1863-1865). Маллахон томонидан тахтдан туширилган Кўкон хони Худоёрхон Бухорога кочиб келганида хонлик тахтини кайта эгаллаши учун унга харбий ёрдам берган (1861). Музаффарнинг хукмронлик даври Россиянинг Ўрта Осиё хомликларига карши харбий харакатлари кучайган даврга тўгри келади. Россия билан бўлган келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этишда умидини узмай, у Нажмиддинхўжа бошлик экчиларни Петербургга жўнатди (1865-йил июл). Бирок, кўзланган макасадга эришилмай, икки ўртада харбий харакатлар бошланди. Музаффар кўшини билан генерал Романовский бошчилигидаги Россия харбий кучлари ўртасидаги дастлабки тўкнашув Жиззах билан Оратепа ўртасидаги Эржар(Майдаюлгун) да бўлиб, унда Бухоро кўшини маглубиятга учраган(1866-й. 8-май). Музаффар муфтий Мухаммад Порсо бошчилигидаги элчиларни Афгонистон ва Хиндистон оркали ёрдам сўраб, Истанбулга юборса хам рад жавобини олган. 1868-йил 2-3-июнда Зирабулок жангида маглубиятга учрагач, 1868-йил 23-июнда Самаркандда имзоланган Россия-Бухоро сулх шартномасига кўра, Бухоро амирлиги Россияга тобъ бўлиб колган. Ўгли ва валиахд Абдулмалик (Катта тўра) Россия боскини ва отаси хукмронлигига карши Шахрисабз ва Китобда кўзголон кўтарганда Музаффар рус кўшинлари ёрдамида уни бостирган (1870). Музаффар даврида Бухоро амирлигининг Россияга карамлиги кучайиши билан бир каторда шиаларнинг таъсири хам ортган. Бухородаги Эшон Имло мозорида дафн этилган.